

Жиноят иши кўзғатиш хақида

10 октябрь

Фаргона шаҳри

Фаргона вилоят прокуратурасининг жиноятларни тергов қилиш бўлими катта терговчиси Ш.Б.Умурзаков фуқаро М.Тожибоевага нисбатан вилоят ИИБ бошқармаси томонидан тўпланган ҳужжатларни ўрганиб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И М :

Фуқаро Муътабар Тожибоева Охунбобоев тумани "Памуна" ширкат хўжалигига экин 82, 84 контурлардаги 50 балл-бонитетли жами 6,87 га. ер майдони шундан 5,2 га. ер майдонини 1996 йилдан бошлаб ҳеч қандай ҳужжатларсиз, тегишли ҳужжатлардан расмийлаштирмасдан, ер солиқ тўловларини тўламасдан, ўзбошимчалик билан эгаллаб олиб, ушбу ер майдони пахта экин майдони бўлишига қарамай, қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерни, ўзининг эҳтиёжлари учун бошқа тоифадаги ерлага қўйиб, яъни кўл ташил қилиб, бугунги кунга қадар фойдаланиб келган. Тожибоева фуқаро Хомидов Музаффарга ўзига қонуний тарзда тегишли бўлмаган экин майдонини 2002 йилда 200.0 минг сўм ва 2003 йилда 250.0 минг сўм қадар, фуқаро Мадрохимов Каримжонга эса 2005 йилда етиштирилган ҳосилни тенг қили олишга келишиб, фойдаланиб келишга ижарага берган.

М.Тожибоева ширкат хўжалигининг 5,2 га қишлоқ хўжалиги еридан фойдаланарча фойдаланиб, ердан фойдаланиш шартлари бузилганлиги оқибатида, қишлоқ хўжалиги ерлари қаровсиз ҳолатга келиб, ернинг милоратив ҳолати ёмонлашиб, экинларнинг ўсиши ва яроқсиз ҳолатга келган. Ушбу кўл майдонига чегарадош бўлган экин майдонларида қишлоқ хўжалик экинларининг ҳосилдорлиги пасайиб кетган. Шунингдек, "Памуна" ширкат хўжалиги томонидан 1996 йилдан 2005 йилга қадар 5,2 га. ер майдони учун 191130 сўм ер солиғи тўлаб келинган ва шу майдонда пахта экин кам экилиб, 86 тонна пахта ҳосили етиштирилмасдан, ширкатга 6747,8 минг сўм қадар миқдордаги даромад олинмаётгани қайд қилинган.

Юқоридагиларга кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 36, 321, 322, 330, 350-моддаларига риоя қилинган ҳолда,


Қ А Р О Р Қ И Л Д И М :

Маъқул ҳолат юзасидан фуқаро М.Тожибоевага нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 196-моддаси 1-қисми, 197-моддаси, 229-моддаси билан жиноят иши кўзғатилсин.

Жиноят ишига 20654003 -соли рақам берилсин.

Ушбу қабул қилинган қарор тўғрисида манфаатдор томонларга билдирилсин.

Фаргона вилоят прокуратурасининг
ИИБ катта терговчиси
Ш.Б.Умурзаков



Ш.Б.Умурзаков